

ЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 150 (2414) 1991 ЙИЛ 14 ДЕКАБРЬ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЖАЗО ҲАҚИДА БЎЛАДИМИ?

Йўл ҳаракати қондаларининг 3-6-бандида аниқ ва лўнда қилиб: «Ҳайдовчиға улов воситасини ширакайф ҳолда ёки гиёҳвандлик моддалари таъсирида бошқариш ёки шундай ҳолатда бўлган кишиларға улов воситасини бошқаришни топшириш таъқиқланади», — деб ёзиб қўйилган. Амалда бу бир қонда, холос. Ҳаётни эса доим унга бўйсундириб бўлмайди. Уловларни маст ҳолда бошқараётганлар нафақат учраб турибди, балки йилдан йилга кўпайиб бораёпти. 1991 йил маълумотларига назар солсангиз, ўтган ўн бир ойнинг ҳар куни Тошкент шаҳри бўйича энг камда 10 тадан маст ҳайдовчи ушланиб, жами 5610 тага етганлигини кўрамиз.

«Ичиб машина ҳайдаб, қўлга тушибдими, энди жазосини олсин». Бундоқ қараганда оддийгина. Лекин гап ана шу жазо тайинланадиган кунгача ўтадиган вақтда. Биласизми бу даврда нима бўлади? Ҳайдовчининг кайфи борлиги тиббий кўрикда ўз тасдиғини топгач, ҳужжатлар расмийлаштирилиб — маъмурий бўлимга келтирилади. Биринчи марта маст ҳолда улов воситасини бошқарганлик учун ҳайдовчи улов воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга маҳрум қилинади ёки 200 сўм миқдорда жарима тўлайди. Қани энди айтишчи, ким ҳам уч йил «права»сиз юришни хоҳлайди? Албатта, қандай қилиб бўлмасин, жарима билан қутулиш йўл-йўриғини излайди. Афсуски, бунинг имкони деярли йўқ. Эндиги мақсади —муддатни иложи борича қисқартириш. Бунинг учун ишхонадан кафолотнома, тафсилотнома ва муҳокама қилинганлиги ҳақидаги мажлис қароридан кўчирма керак. Ана сизга қоғозбозлик, мажлисбозлик. Ким ҳам ўз боғидан чиққан «мева»ни ёмонлайди, имкони борича қоғозларни муҳайё қилиб беради. Комиссия ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, муддатни бир оз қисқартириши мумкин.

ССЖИ Олий Кенгашининг 1983 йил 5 мартдаги «Йўл ҳаракати қондалари ҳақида»ги Фармонининг 22-бандида айтилишича (бошқа бирор ўзимизнинг қонунимиз йўқлиги учун ҳали ҳам ушандан фойдаланилади), ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган кимса иш фаолиятида бошқаларға ўрнатилган бўла олса, ўша жазо муддатини белгиланган ташкилот, яъни ДАН муддатни тенг ярмидан кам бўлмаган вақтга қисқартириши мумкин. Тони яна ишхонадан кафиликка олинганлик ҳақида кафолотнома, тафсилотнома каби қоғозлар бўлса. Бу дегани яна қанчадан-қанча

оворагарчилик, қоғозбозлик. Шу ишларни бари керамикан?

Кейинги вақтларда қонунларни такомиллаштириш ҳақида кўп гапирилаяпти. Яқинда, аниқроғи 31 октябрь куни «Халқ сўзи» рўзномасида «Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси эълон қилинди. Ҳаракат қондаларини бузишнинг барча турларига жарима миқдори оширилган. Бизнинг мавзумиз ичкилик билан боғлиқ бўлганлиги учун шу ҳақда тўхталамиз.

Лойиҳанинг 133-моддасида айтиладики: «Ҳайдовчиларнинг улов воситаларини спиртли ичимликдан, наркотик модда таъсиридан маст бўлган ҳолда ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда бошқариши —

минг сўмдан икки минг сўмгача миқдорда жарима солинишига ёки улов воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этилишига сабаб бўлади. Улов воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга эса икки минг сўм миқдорда жарима солинади».

Кўринишдан жарима миқдори жуда юқори қилиб белгиланган, йиллар муддати ўзгармасида. Лекин пулимизнинг қадрсизлигини даражаси бундан икки йил бурунгига нисбатан анча пастлаб кетганлигини ҳисобга олсак, ичкилик ишқибозларига енгиллик яратилгандек бўлиб қолади. ДАН эшигида ишнинг енгиллаштириш учун сарсонсаргардон юрган одамларнинг оворагарчилигини камайитириш учун эса йил аниқ қилиб кўрсатиб қўйилиши керак.

Бундан уч-тўрт йил бурун тиббий кўрик мастлик ҳолатини уч турга ажратарди. Кайфликнинг енгил, ўртача ва оғир ҳолатларига. Ҳозир эса бу йўқ. Мастлик ҳолатини аниқлашда яна ўша тартибга қайтиб, ҳайдовчиликдан маҳрум қилиш муддатларини ана ўша тартибда 2, 3 ва 4 йил қилиб белгилаш керак. Ҳар қандай «гача» бу ерда ортиқча. Шунда қўлга тушган одамда ортиқча оворагарчиликка ҳожат қолмайди. Ярим муддат ўтгандаги масалани эса яна бир бор кўриб чиқса бўлади. Жарима миқдорини ҳам шу тартибда 2, 3, 4 минг сўм қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда ҳам «гача»ға ўрин бўлмаслиги зарур. Лекин ҳайдовчилик гувоҳномасисиз уловни маст ҳолда бошқарганларға жарима миқдорини 5 минг сўмдан кам қилиб белгилаш ҳозирги кунда авж олган маст ҳолда қўлга тушса, «права»ни яшириб қўйишдек яллатни давом эттириверилишига сабаб бўлади.

Рамзиддин МУҲИТДИНОВ.



Пскеит туманидаги 6-шаҳоратли ўт ўчирувчилар бўлимида ходимлари хондонлар ва ташкилотларда ёнғин сабабли содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида тинимсиз меҳнат қилиб келишмоқда. Бунда, айниқса, туман ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи ички хизмат майори Бахтиёр Шоматовнинг ўт ўчирувчилар ҳузурида бўлиб, уларға зарурий кўрсатма ва маслаҳатлар бериб туриши фойдали бўлмоқда.

СУРАТДА: ички хизмат майори Б. Шоматов навбатдаги ишлар юзасидан суҳбатлашаётган пайт.

Ҳ. ШОДИЕВ
олган сураат.

АКС-САДО

«ҚОРНИ ТЎҚНИНГ...»

Рўзнома ва ойномаларни арақлар эканман, зил-замбил хаёллар елкамдан босади, босаверадч. Чоп этилаётган мақолалар остида оддий ишчининг, муаллимнинг, мухбир журналистларнинг исми шарифларини кўриб кўз олдим қоронғулашади. Улар ташвишлари, муаммолари, таклифларини баён қилишади (Оддий халққа қачон енгил бўлган ўзи). Балки мен адашаётгандирман. Балки раҳбарлар, обрўли зиёлилар ҳам эл ғамини ўйлаб, мақолалар ёзаётгандирлар. Афсус, бундай номларға кўзим тушмаяпти. Борлари ҳам «турмушимиз яхшиланиб бормоқда...» қабилида бошланади ва тугайди. Яна ким-

ларгадир миннатдорчилик ҳам билдиришади.

Мен яқинда «Постда»нинг биринчи саҳифасида босилган «Халқ қачонгача қийналади?» деб номланган очик хатни ўқиб қолдим. Муаллифи — журналист Д. Саидов.

Лекин хат нима учун фақат Тошкент шаҳар раҳбарларига ёзилган? Мақола босилиб чиққач, кўзонлик М. Пўлатов «Бизда ҳам аҳвол шундай» («Постда», 21 ноябрь) дебди. Шунинг учун очик хатни Жумҳурият ва вилоят раҳбарларига деб ёзиш керак эди. Умуман, бундай мақолаларни раҳбарларимиз ўқиб кўрармиканлар?

Б. САЪДУЛЛАЕВ.

29 ДЕКАБРЬ — ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КУНИ

2 декабрь куни Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги кўриқлаш бўлимига қарашли марказлашган соқчилик пулти ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан пулт навбатчиси милиция

БИР ОВОЗДАН

капитани Б. Турсунов, милиционерлар С. Муҳаммадиев, Ш. Қулмуродов, С. Сатторовлар 29 декабрда бўладиган Президент сайловида

И. Каримов учун овоз беришларини айтдилар. 30 кишилик йиғилиш иштирокчилари ҳам шундай қарорға келишди.

Утаган ЭРДАНАЕВ,
милиция лейтенанти.

КЎРҚАМИЗМИ?

Ассалому алайкум рўзнома ходимлари! Мен «Постда»нинг ўлғудек «болешигиман». Рўзноманинг қайта тиклангани яхши бўлди-да. «Фалокат оёқ остида», «02 хабар қилади», «Шанба уч-

рашувлари» руқилари остида берилаётган мақолалар менга жуда ёқади.

Лекин фалончи Н., фалончи С. кабиларни сира ҳазм қилолмайман. Ахир, жиноятни аниқ бўлганидан кейин С., Т., Р. деб беришнинг нима ҳожати бор? Аксинча, уларнинг исм-шарифлари,

ҳатто манзилгоҳлари ҳам аниқ кўрсатилиши керак. Ҳозир гўёки биз улардан кўрқайтгандек бўлмаймизми? Менинг истагим рўзноманинг янги йил сонларини бундай камчиликлардан ҳоли кўриш.

Ҳурмат билан
Ҳасан АҲМАДШОЕВ.

Ҳурматли муҳаррират! Мен рўзноманинг 5 декабрь сонидан чоп этилган «Олчоқ» сарлавҳали мақолани чойхонадаги отахонларға ўқиб бергандим. Қариялар бундайларға ўз нафрат-газабини билдиришиб, уни «Постда»ға йўлла-

ОТАХОНЛАР СЎРАШГАНДИ

шимни, малъунга 10 йил берилган қамоқ жазосидан норозиликларини билдиришимни сўрашди. Ва яна қонунларимизнинг бўшлигини, лекин халқнинг

лаънати бу каби аблаҳларни умр бўйи таъқиб қилишини таъкидладилар.

Ангренлик отахонларнинг илтимосини етказувчи
Урол ЖУРАЕВ.

ЭЛГА ТАЯНМОҚ КЕРАК

Бир неча йиллар муқаддам безорилик, ўғрилик, кивасурлик бўйича машҳурликда Бомбей шаҳрига тенг келадигани бўлмаган. Иқтисодий инқирознинг кучайиши, тақчиллик, қашшоқлик ва қимматчиликдан ана шундай ҳол вужудга келган. Бугун эса собиқ ССЖИдек бепоён юртга қашшоқликда тенглашадиганини топиш мушкул. Демак, бизда ҳам ўғрилар, каззоблар, жиноят кўчасига кирганларни истаганча учратиш мумкин. Бу биринчи навбатда осойишталик посбонлари — милиция ходимлари ташвишларини бир неча ҳисса ошираётган. Вазият ҳар қанча оғир ва мушкул бўлмасин, хизмат вазифасини сидқидилдан адо этиб, одамлар ишончини қозонаётган осойишталик посбонлари талайгина.

Туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция майори Олимжон Маърупов қишлоқ изқуvari Бурхон Расулов ҳақида илиқ фикрлар билдирар экан, бир неча мионатдорчилик мактубларини бизнинг олдимиизга қўйди. Хат муаллифлари Мирзақишлоқ қишлоқ Шўроси ҳудудида яшовчилар — Раҳматилла ота Исомиддинов, Мадад бобо Соатов, Вўстон опа Қурбонова, депутат Ҳабибулло Жабборов ва бошқалар милиция лейтенанти Бурхон Расуловнинг одамлар билан илиқ муомаласи, ҳушёр ва чақонлиги, ўз ишининг устаси эканлиги ҳақида эҳтирос билан ёзганлар.

Бурхон Расулов 1986 йили Тошкент ўрта махсус милиция мактабини битиргандан буён туман ички ишлар бўлимида баҳоли қудрат хизмат қилмоқда. Дастлаб бўлимда навбатчилик гуруҳи ёрдамчиси, сўнгра ДАН бўлимаси ходими сифатида хизмат қилди. Доимо йўл ҳаракати қондасини бузувчиларга, спиртли ичимлик ичиб машина бошқараётганларга нисбатан мурасасиз бўлди. 1989 йилдан буён эса Ильич номли жамоа хўжалигида участка вакили вазифасини бажариб келаётган. Иш жараёнидаги муаммоларни ҳал этишда, жиноятлар сирини очишда, унга биркитилган 8 та қишлоқ аҳолиси осойишталигини таъминлашда ёрдамчилари Зиёдулло Қосимов, Баҳодир Эгамов ва жамоатчиликка таянади. Утган йили бу ерда 18 марта жиноят содир этилган бўлса, бу йил 12 тага камайди.

— Бу тилга олишга арзигулик эмас, — дейди Бурхон ака. — Қандай бўлишидан қатъий назар ҳар бир жиноят замирида ким учундир кулфат ётади. Тажриба ўта синчков бўлиш билан бирга, билим ўчоқларида мунтазам учрашувлар ўтказиб туришни, элнинг тўйу маърақасида фаол қатнашишни тақозо этаркан. Бу эса жиноятлар сонини камайтиришга, хизмат мушкулотларини енгиллаштиришда қўл келмоқда. Утган йили олтмишдан ошиқ жанжалларни ижобий ҳал этишга эришдик. Бу рақам ўтаётган йилда ҳам 80 тага етай деб қолди. Афсуски, ўсмирлар ўртасидаги майда ўғирликларга тўла барҳам берилганича йўқ. Бу борада қишлоқ оқсоқолларининг, ҳурматли муаллимларнинг ёрдамларига таянмоқдамиз.

Дарҳақиқат, халқнинг иродасига, унинг хоҳишига ҳайрихоҳ бўлиб, эзгу ишларни амалга оширганлар, ҳеч қачон кам бўлмаган. Халққа таяниб хизмат қилаётган Бурхон Расулов ҳам Мирзақишлоқ, Алгар, Шитоб, Тегана қишлоқлари меҳнат аҳлининг ҳурмат-этиборини қозонмоқда.

Д. ДУСТМУРОДОВ,
журналист.

Одамзодга Аллоҳ томонидан иноят қилинган олий неъматлардан бири МЕХР туйғуси экан. Бу олий туйғудан бебахра қолган одам э ваҳшийлашиб, э тубанлашиб кетиши аниқ. Афсуски, баъзан номардлик, гоҳида эса қўрқув кучлилик қилиб, ўзига ўхшаш ИНСОҒга озгина кўмак бериш ўрнига уни оғир аҳволда қолдириб, қочиб кетадиганлар ҳам йўқ эмас. Бир сўз билан айтганда БЕМЕХРЛИКНИ ўзига эп кўрадиганлар ҳаётда топилмайди.

Келинг, мақсадга очикроқ ёндашайлик. Тошкент вилояти бўйича шу йилнинг ўн бир ойи давомида йўл-улов ҳодисаси содир этилган жойдан машина ҳайдовчилари 189 марта қочиб кетганлар. Бу ҳодисаларга сабабчи бўлганлар жароҳатланган, жабр кўрган одамларга ёрдам бериш ўрнига, аксинча жиноят изини яширишга интилганлар дегани. Содир бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг 37 таси УЛИМ билан тугади.

УЛИМ! Тўрттагина ҳарф. Аммо унинг олдига БЕВАҚТ сўзини қўшсак, янада тўғри бўлади. 37 та БЕВАҚТ УЛИМнинг ҳар бири бир нафардан инсоннинг ёқасидан тутган десагу мана шу ҳар бир инсоннинг ортидан

йиғлаб-буғлаб қолган ота-онаси, гўдагу бўй етган фарзанди, яқин кишилари сонини ҳам жамлаб кўрсак. Бир БЕМЕХР, ЛОҚАЙД ва КАЛТАБИН ҳайдовчи қанчадан-қанча кўз ёшу ғам-ҳасратларга сабабчи бўлмоқда. Булар ўлганлар ҳақида. Мажруҳ-майиб бўлиб қолаётган ўилаб вужудлару юрак-

лар тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи бир азоб!..

Халқимизда бир нақл бор: «Бузоқнинг югургани сомонхонагача!» Демокчимизки, қилгиликни қилиб қўйиб, қочиб қаергача борарди? Ҳаммадан-ку, қочиб яширинар, аммо гилдирак остида қолган гўдакнинг қичқириндан, аёлнинг ноласидан, умуман БЕВАҚТ УЛИМ чангалдаги инсоннинг фарёдидан қочиб кутулиб бўлармикан? Гилдирак остида эзилаётган вужуд наҳот қочоқнинг тушларига кирмайди?

Бундан ташқари ҳар дақиқада: «Милиция топиб олса-я», — деган ҳадик унинг

ич-этини еб ташлаши ҳам аниқ.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам ҳар бир қочоқни эринмай суриштириб қидирмоқдалар. Уларнинг тинимсиз ҳаракатлари туфайли шу кунгача кўнгилсиз ҳодисалардан сўнг яширинишга улгурган қочоқ ва БЕМЕХР

ёрдам бериш ўрнига «темир оти»га «қамчи уриб», кўздан ғойиб бўлди. Натижада Мансуржон ҳаётдан кўз юмди, Носиржон оғир аҳволда шифохонага ётқизилди.

Махсус тузилган тезкор гуруҳнинг жонқуярлиги сабабли жиноятчи — шу туманда истиқомат қилувчи 39 ёшли Мирҳосил Ҳакимов қўлга олинди.

Яна бир хунук воқеа. Шу йилнинг 21 октябрида Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудидан ўтадиган Тошкент-Ўш йўли 15-километрга 34 ёшли Радж Ким исмли шахсни машина уриб кетган. Ҳайдовчи жабрдийдага ёрдам кўрсатмасдан йўлда давом этган. Оғир жароҳатланган Р. Ким ҳам БЕМЕХРЛИК қурбони бўлди. Қочоқ жиноятчи-ҳайдовчи Тошкент вилояти ИИБ ходимлари томонидан қидирилмоқда.

БЕМЕХРЛИК, ШАФ-ҚАТСИЗЛИК ҳеч маҳал жазосиз қолмайди. Юқорида қайд этганимиздек, беғуноҳ кимсаннинг қони эртами-кечми барибир қочоқ қотилининг бўғзидан тутиши аниқ.

Мирзааҳмад МИРПУЛАТОВ, Тошкент вилояти ИИБ ДАН ходими милиция катта лейтенанти. Дилмурод САИДОВ, журналист.

НОМАРДЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

кимсалардан 78 нафари қўлга олинди. Улар одил суд олдига жавоб беришади. Шунга айтсалар керак-да, беғуноҳ тўкилган қон албатта тутади, деб.

Қуйида ана шундай ҚУВЕНМИЖОЗ ҚАТТОЛларнинг биттасини таништириб ўтмоқчимиз:

Қибрай тумани «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Марказий кўчада йўл-улов ҳодисаси содир этилиб, унинг оқибатида йўл четидан келаётган ака-ука Мансуржон ва Носиржон Зокировлар жабр кўришди. Ҳодиса сабабчиси «Москвич» белгили машина эгаси уларга зудлик билан

ҲАММА ГАП—ИЛДИЗДА

«Постда» рўзномасининг шу йил 19 ноябрида чоп этилган журналист Д. Саидовнинг «Очиқ хат»ини ўқиб, мен ҳам кўрганларимни ёзишга жазм этдим.

Қанийди, бу ёзишмалар билан ўша безбет чайқовчиларни йўқ қилиб бўлса.

Мен яқинда қўшним билан чой қидириб Сирдарёнинг «Бахт» бозорига бордик. Бозордаги нарсаларни кўриб, ёқа ушладик. Ҳар доим турли дўконлардан олиб келиб, пештахталарга ёйиб сотиладиган моллар ўрнига чайқовчиларнинг моллари тиқилиб ётибди. Нима хоҳласангиз топилади. Уша очик сотилаётган нарсаларнинг биронтаси магазинда йўқ. Нима, уларни ҳеч ким кўрмайдими?

Кўради! Бу ерда ошна-оғайничилик мавжуд бўлса

керак. Бозор ичиди шу туман ички ишлар ходимлари юришибди. Бу нарсаларни сотманглар, дея олишмайди.

Хўш, нима қилиш керак? Менда бир таклиф бор. Бир туманга бошқа туман ходимларини юбориб, бир-бирлари билан тажриба алмашиш мақсадида текширув ўтказилса, бу тадбир анча яхши натижа бериши мумкин. Чайқовчиларнинг ўқ томирларини йўқ қилиш керак. Биласизларми бу ўқ томирлар атрофида қанчадан-қанча томирчалар бор? Шу томирчалар ёрдамида ўқ томирлар озуқа олиб, яна ҳам кучая беради. Қирқиб ташланса, ажаб эмас дўконларнинг пештахталарида ҳам халқ истеъмолчи моллари кўпайса. Ҳабибахон НОРҲУЖАЕВА, меҳнат фахрийси. Гулистон тумани.

ХУМОРИ ТУТАДИ ШЕКИЛЛИ...

Менимча, турмада маҳбуслар «ой» кўришса керак. Чунки аксар ҳолларда қора курсига ўтирган айбдорлар аввал ҳам э бир марта, э икки-уч бор судланган бўладди.

Яқинда Янгиариқ тумани халқ суди ҳукми билан фуқаро Улуғбек Рўзметов олти йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу шахснинг тақдирини юқоридаги сўзимизни тасдиқлайди. У аввал ҳам судланган, ўғирлиги учун уч йилга қамалган экан.

Бу сафар яна эски қилиғи билан ушланди. Олдинига Янгиариқ туманидаги 1 Май жамоа хўжалигида яшовчи Комил Айтбоевнинг уйига тушиб, 167 сўм пул топган. Бу ўғирликни 29 май куни содир қилган эди.

26 июнь куни яна шу жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Абдушариф Жуманиёзовнинг хонадонидан 1860 сўм (бу гал анча жўялироқ) пулни ўмариб, чўнтагига тиқди. Лекин чўнтак «тешик» экан... Саъдулла БОБО ўғли.



Ташмачи-юлғичларга, олиб-сотарларга қарши шафқатсиз курашни ВХСС ходимларидан ўта билимдонлигини талаб қилади. Жамият ғаламисларига қанча зарба берилмасин, улар қўнқориндай болалаб кетяпти. СУРАТДА: Пскент тумани ИИБ ВХСС бўлимида бошлиғи милиция майори Турсунбой Хожиев (ўнгда) ва оператив вакил милиция капитани Дониёр Абдуқодиров чайқовчилардан мусо дара қилинган автомобиль эҳтиёт қисмларини кўздан кечиришлар. Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Тунги йўловчилар

Қўқон шаҳрини тунда айланаб юрган пост соқчилари узоқдан шиддат билан келаётган уловга тўхташ ишорасини қилдилар. Бироқ ҳайдовчилар қасдга олгандай тезликни янада ошириб, уларнинг ёнгинасидан физиллаб ўтиб кетди. Осойишталик ходимлари вақтни бой бермай орқасидан қувдилар.

Шаҳар ИИБга келтирилган рақамсиз улов синчилаб кўздан кечирилди. Юкхонадаги қон изларини «Мол сўйгандик, ўшани сотиб келаятирмиз», деб изоҳлашди. Бироқ суд-тиббиёт хулосаси у молнинг эмас, одамнинг қони эканлигини кўрсатди.

Милиция майори М. Ус-

монов, капитан М. Тожибоев, катта лейтенантлар А. Эгамов ва О. Раҳмоновлар қидирув-суриштирув ишларини бошлаб юбордилар. Турли вилоятларга сўровлар жўнатилди.

Кўп ўтмай Тошкентлик ширкат ҳайдовчисининг машинаси билан дом-дараксиз йўқолганлиги ҳақида хабар олинди. Унда кўрсатилган улов ранги, эҳтиёт қисм рақамлари тўғри чиқди.

Терговда маълум бўлишча бу икки жиноятчи такси ҳайдовчисини ўлдириб улов юкхонасига тиқишган. Катта Фарғона каналига етишгач мурдани сувга улоқтиришган экан. Мадамин РАЖАБ ўғли.



ЧИНОЗ тумани ИИБ катта участка инспектори милиция катта лейтенанти Номоз Турғунбоев Олмазор посёлқасининг 5 мингдан кўп аҳолиси билан доимо мулоқотда. Ишчан инспекторнинг ҳаракатлари туфайли у хизмат қи-

ладиган жойда жиноятчилик кескин камайди.

СУРАТДА: участка инспектори Номоз Турғунбоев жамоат тартибни бузувчи шахс билан суҳбатлашмоқда. Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Уйнаб чакмоқчи Эдиллар...

ҚОЛЛАЖЛАРНИ Э.РАҲМАТОВ ИШЛАГАН

Ичкилик оқибатида улфатлар ўртасида жанжал чиқадиган бўлса, оқ ароқнинг қора қилмиши, деб баҳолаймиз. Ичиб, кўча-кўйда расвои жаҳон бўлиб юрган кишини учратганимизда: «Хурмачанга сиққанча ичсанг бўлмайди...» — деб тўнғиллаб қўямиз.

Мен шундай кишиларга дуч келганимда, беихтиёр уларнинг: «Дадам келса, мени урмайдимикин?» — деган ўй билан титраб-қақшаётган болалари, кечалари: «Худойим-ей, мен ҳам ёруғ кун кўрармикинман? Ёки бир умр шундай яшаб ўтаманми?» — деб тангрига нола қилиб чиқадиган муштипар аёли кўз ўнгимдан ўтади. Уша «эр»нинг давлатга, маҳалла-кўйга, оиласига тега-

диган моддий зарарини пулга чакмоқчи бўламан ўзимча. Ҳисоб-китобини чиқарман ҳам. Маънавий томонидан тегадиган зарари олдида ҳар қанча пул сариқ чақача ҳам арзимаслигини билиб, ўзини эркак деб ҳисоблайдиган ўша кишидан нафратлана бошлайман.

Ҳозир ўзим назарда тутатган кишиларни мукка тушиб оғу ичадиганлар жумласига киритсам, жуда катта хато қилган бўламан. Чунки улардан бирининг қўлида гулдэк касби бор, бири эса ўз касбининг устаси бўлиш ниятида таълим олиб юрган талаба. Бир оғиз сўз билан айтсак, эсли-хушли йигитлар. Марҳамат танишинг:

Майрамбой Алмуратов, 1968 йилда Қорақалпоғистон Жумҳуриятининг Қўнғирот шаҳрида туғилган. Қўнғирот туманидаги Ильич номли давлат хўжалигида шофёр бўлиб ишлайди. Уйланган, битта фарзанди бор.

Абай Нўъмонов, 1969 йилда худди шу ерда таваллуд топган. Тошкент паррандачилик техникумининг 4-босқич талабаси.

Энди сизларни бўлиб ўтган воқеа тафсилотидан огоҳ этсам, Майрамбой Қўнғирот бозорида дўсти, шу давлат хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайдиган Жумабой Ҳожибоевни учратиб қолади. Унга Тошкентга бораётганлигини айтади. Дўсти эса: «Мени ҳам олакет, Тошкентда ўқийтган қизим бор, шунки кўриб келаман», — дейди.

Улар вокзалга келишади. Жумабойнинг пули оз бўлганлиги сабабли Майрамбой ўз ҳисобидан чипта олади.

Дўстлар Тошкентдаги «Шимол» шохбеватда Майрамбойнинг таниши Абай Нўъмоновга дуч келишади. Абайнинг таклифи билан унинг меҳмони бўлишади. Эртаси кун эрталаб ҳаммом қилишгач, Роҳат кўлида ҳордиқ чиқариш учун йўлга отланадилар.

Шу ўринда воқеа баёнидан бироз чекинмоқчиман. Баъзилар қишлоқда яшаб, далада иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай ишлашади. Пешона тери эвазига топган даромадини эса «ўйнаб келиш» учун шаҳарга бориб, 3-4 кун ичида совуришади. Фарзандлари ёнига эса қуруқ қўл билан қайтишади. Ушундай кишиларнинг болаларига жуда раҳмим келади. Айниқса, ҳозирги қимматчилик вақтида уларнинг оталари қўлига мўлти-

раб қараб туришлари кўз ўнгимдан ўтаверади.

Шундай қилиб ошналар кўл ёнида жойлашган пиво барига киришиб, улфатчиликни бошлаб юборишади. Пиво жониворнинг 18-20 шишасини кўрдим дейишмайди. Қизиқ, бу ичимлик деганлари нақ сеҳрлар экан. У одамларнинг ичига кириб олиб, кимнидир ажина қитқилагандек кулдирад, кимнидир юм-юм йиғлашга мажбур қилар экан. Баъзиларни кўзичоқдек ювошлангирса, баъзиларни нақ шерга айлантириб юборар экан. Бизнинг «қаҳрамонларимиз» роса отиб олишгач, ўзгаришди-қолишди. Абай Жумабойга пиво олиб келишни буюрди. У ёнида пули йўқлигини айтганда, Абайнинг жаҳли чиқиб кетди. Нега жаҳли чиқмасин, ахир, кимсан Абайнинг сўзини синдирди-да! Майрамбой жанжалнинг олдини олиш ниятида пиво олиб келиш учун ўрнидан туради. Қайтаётганида ташқарида ўртоқларининг мушталашётганини кўради. Ҳа, ошналар оғунинг сеҳри туфайли бир-бирларига дўст эканликларини бутунлай эсларидан чиқариб қўйишганди.

Майрамбой уларни ажратиб қўяди. Тошкентнинг бағри кенг. Ким таниб ўтирибди уларни. Бир мириқишса-мириқишибди-да. Улар «ўйнаб-кулишиб» қўналгага келишади. У ерда бир шиша «яримта»ни отиб олишгач, боққа кириб, одамларнинг жигига тега бошлайдилар. Безориликлари ҳаддидан ошиб кетади. Суҳбатлашиб туришган йигит-қизнинг олдига боришади. Ҳе йўқ, бе йўқ Абай йигитни тепади. Улар катта тўполон бўлиши муқаррарлигини сезишиб, ўринларидан индамайгина туриб кетишади.

М. Алмуратов уларга етиб олиб:

— Кечирасизлар, ўртоқларим анчагина отиб олишган, айбга буюрмайсизлар, — дейди.

Соат 20 лар чамаси. Шу пайт Майрамбой узоқдан «дўстлар»нинг ўзаро сўкинишларини эшитади. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан уришишайтганларини кўради. У тезда етиб бориб қараса, А. Нўъмонов ерда йиқилиб ётган Ж. Ҳожибоевни юзи-кўзи демай тепкилар эди. Жумабойнинг юзи қип-қизил қонга бўялган, тугмалари битта қолмай узилиб кетганди.

СОҲИЛА.
(Давоми келгуси сонда)

ТАТЬЯНАНИНГ «ЯШИЛ БОЙЛИГИ»

Таъбир жоиз бўлса, биз бу ерда барчамизга маълум бўлган кўнорни «яшил иблис» деб атадик. Зеро, иблиснинг макрига учган кимса қанчалик разилликларга қўл урса, бу «яшил иблис»нинг хушторига айланган гиёҳвандлар ҳам шу даражада қабиҳликлардан тап тортишмайди.

Яқинда Учқудуқ шаҳрида гиёҳвандликка қарши кураш мақсадида ўтказилган тadbирларнинг бирида катта миқдордаги «яшил иблис» топиб олинди.

Прокурор рухсатига асосан шаҳарда яшовчи Татьяна А. хонадони тинтув қилинганда, ҳар бирига 10-15 граммдан кўнор солинган 12 дона қоғоз халтачалар, 500 граммдан ортиқ янчилган кўнор солинган бидон идиш, кўнор эзишга мўлжалланган ҳава қайнатгич, 150 ампулада димедрол (уйқу дориси) ва учта кичикроқ халтачаларга солинган марихуана ҳамда бир марта қўлланидиган шприцлар топилди.

Кўнорнинг оз миқдордаги бўлакчалари топилганда: «Балки, ўзим учун дори сифатида бир чимдимгина олиб қўйгандирман», — деб писанда қилиб турган уй бекаси кейинги «ажойиботлар» олдида бошини эгиб қолди. Маълумки, бунақа нарсалар кўча-кўйда сочилиб ётмайди, уларни авайлаб, худди дорихоналардагидек ихчам ва эҳтиёткорона сақланаётганлиги унинг соҳиби гоё тadbиркор эканлигидан далолат беради.

Тинтув давом этган сайин хонадон бекасининг авзойи ўзгариб борарди.

— Ахир, бу квас тайёрлашда қўлланиладиган қоғишма-ку, — деди уй бекаси ошхонадан топиб олинган бир шиша тўқ жигар рангли моддага ранги қув ўчганча ишора қиларкан.

— Қандай қоғишма эканлигини экспертиза аниқлаб беради, — деди гуруҳ бошлиғи холислар топиб олинган уни «ноёб» моллар қаторига қайд этар экан.

Балконда турган кир ювиш машинаси ҳам изқуварлар назаридан четда қолмади. Буни қарангки, унинг ичидан ҳам усталик билан жойлаштирилган, ҳар бирига ярим килодан кўнор оғуси солинган иккита қоғоз халта, шунингдек, икки қўти 36 блок «Родопи» ва 250 пачка «Повет» сигаретлари топилди.

Йил давомида вилоят изқуварлари томонидан наркотик моддалар сақлаш ва уни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган 150 дан ортиқ жиноят фош этилган бўлса, Татьянанинг уйдан топилган «хазина» қўлга олинган наркотик моддаларнинг энг катта миқдорини ташкил этади.

Мана, энди «яшил иблис» хуштори ўз қилмишларига жавоб берадиган пайт келди.

Зиқрилла НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходими милиция лейтенанти.



ТАХТА КЕРАКМИ?

Бугун қурилиш материалларининг бозори ҳар қачонгидан чаққон. Базаларнинг остонасига ётиб олиб, идора-идора қоғоз тўллаб, нав-

батларга туриб ҳам уларни ололмаётганлар сонни қанча? Югур-югурдан безор бўлган одамлар устама нарх қўйсада, тайёрини келтириб бера-

диган «ҳожатбарорлар» айтганига жон-жон деб қўна қоладилар. Икки букилиб, «рахмат» дейишни ҳам унуттирмайди.

Буни жуда яхши билган Жумабой Анорбоев қурилиш объектига ташинётган пол тахтасини пулламоқчи бўл-

ганида Паркент тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

Илгарй ҳам шундай жинояти учун ўтириб чиққан Жумабойнинг бу сафарги тавбаси чинмикин?!

М. ИСРОИЛОВА.

Илҳом Қодиров Ульинов тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ибратли тadbирларни амалга оширмоқда. Шу бонсдан бўлса керак, туманда йўл-улов ҳодисалари сезиларли равишда камаймоқда. Унинг исмининг ИИБ раҳбарларидан, оддий ходимларигача ҳурмат билан тилга олишади.

СУРАТДА: Ульинов тумани ИИБ ДАНБ бош инспектори милиция капитани И. Қодиров ҳайдовчининг ҳужжатларини текширмоқда. Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

МОҲИР ИЗҚУВАРЛАР

Шу йилнинг йигирма олтинчи сентябрига ўтар кечаси Оққўрғон туманининг С. Сегизбоев номидаги давлат хўжалигида жойлашган ишчи ширкатига қарашли 7-оziқовақат дўкониде ўғирлик содир этилганлиги ҳақидаги наватчилик қисмининг ахборотини эшитгач, ИИБ бошлиғи милиция майори Эркин Абдуллаев ўз ўринбосарлари билан маслаҳатлашиб, бу қинғирлиқни очиниши тезкортергов гуруҳи билан бирга Алмакент қўрғони милиция бўлинимаси бошлиғи милиция катта лейтенанти Сейдали Тошматовга топширди. Участка

инспектори милиция капитани Раҳимжон Зарипов, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Жалилов, милиция лейтенанти Раҳим Қобилов, йўл назорати хизмати инспектори милиция кичик сержанти Фурқат Нишоннов, жиноятқидирув бўлинимаси ходимлари милиция лейтенантлари Турдубой Позилов ва Мурод Абдувалиевлар ҳам астойдил кўмакка келдилар. Биринчи гумон бўйича ту-

мандаги баъзи бир шубҳали шахсларнинг сўнги кунлардаги ҳатти-ҳаракатлари текширилди. Маҳаллий аҳолидан сўралди. Натижасиз.

Иккинчи тахмин бўйича бу «гастролёрлар» иши деган фикр илгарй сурилди-ю, иш жадаллашиб кетди. Шубҳа остидаги жойлар қатъий назорат остига олинди. Яна аҳолидан сўровлар олиб борилди ҳар бир кичир-кичирлар хусусида. Нихоят, мурод ҳо-

сил бўлиб, тўрт кишидан иборат жиноятчилар қўлга олинди.

Ушбу изқуварликда ўз хизмат бурчларини аъло даражада бажарганлиги учун С. Тошматов, Р. Зариповлар вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан Фаҳрий Ерлик билан, Т. Позилов, М. Абдуллаевлар эса пул мукофоти билан тақдирландилар.

М. МИРСОВУРОВ.

ВИСОЛ БЕКАТИНИНГ БЕКАСИ

Шанба кунлари Косон шаҳри марказидаги фуқаролик ҳолатлари департаментларини ёзиш бўлими (ЗАГС) жойлашган бино олди келин-куёвлар, уларни қуршаб олишган дўсту дугоналари, қариндош-уруғлари билан гавжумлашиб кетади. Ушбу мўътабар даргоҳ мудири Хосиятхон Норкулова эса иш қоғозларни тартибга солиб, янги оила ҳужжатларини расмийлаштиришга табассум билан шайланиб туради.

Дарҳақиқат, донолар тилида айтадиган бўлса, келинлик Бедил асарларини ўрганишдек қийин ва мураккаб юмуш. Ёш келинларга бу масъулиятни тўла англатишда Хосиятхоннинг ҳиссалари ҳамisha катта бўлиб келган. Айтиш керакки, Хосиятхон Норкулова бу хизматда янги эмас. Олий маълумотли муаллима бўлган бу ширинсухан аёл дастлабки иш фаолиятини туман комсомол кўмитасидан бошлаб, кўп ўтмай шу бўлимга ўтган. Мана, ўн саккиз йилдан бери шу соҳада фаолият кўрсатиб, косонлик неча-неча ёш келин-куёвларга оқ фотиҳа бермади дейсиз. Шаҳарда мана шу ўтган ўн саккиз йил мобайнида оила қуришган йигит-киз борки, улар билан мулоқотда бўлиб қолсангиз: «Х, бизларни Хосиятхон опамлар никоҳдан ўтказишган», — дейишди фахр билан. Шундай суҳбатлар асносида бошқа мазмундаги миннатдорчиликка ҳам аҳён-аҳёнда шоҳид бўлишга тўғри келади. Эр ёки хотин бошини осилтирганича: «Нимасини айтасиз, арзимаган сабабдан ажралиб кетишимизга сал қолганди. Барака топкур шу Хосиятхон опамлар оиламизни сақлаб қолганлар. Бизнинг тўкис яшаб, бола-чақали бўлиб кетишимизга шу кишининг оқилликлари сабаб бўлган», — деб қолишади.

Ҳақиқатдан ҳам Хосиятхоннинг оқиллиги, жонқуярлиги, ўзгалар тақдирига ҳам ўз тақдирдек кўйниши сабаб қанчалар дарз кетаётган оилалар сақлаб қолинган, қанчалар беғуноҳ гўдаклар отасизлик ёки онасизлик оқибатида тортишадиган азоблардан қутқариб қолинган. Ҳа, Хосиятхоннинг касби ҳам, кундалик бажарадиган иши ҳам, ўй-хаёли, ташлаган ҳар бир қадами савобга, дуога, эзгуликка даҳлдордир. Энг муҳими Хосиятхонда мураббийлик ва ҳуқуқий билим ҳамда иккала соҳа тажрибаси камол топиб, уйғунлашиб кетган. Хосиятхоннинг таъкидлашича, бу соҳа мута-

саддиси биринчи галда қонун-қондаларни беш бармоғидек яхши билмоғи шарт экан.

Биз Хосиятхон билан бўлган суҳбатимиз асносида ишга оид айрим факт ва рақамларни ҳам санаб ўтишни жоиз топдик. Бу кутлуғ даргоҳдан ўтган йили 326 келин-куёвга никоҳ ва 1620 чақалоққа туғилиш гувоҳномаси берилган бўлса, шу йилнинг ҳозиргача 400 дан ортиқ келин-куёвга никоҳ, 1300 дан ортиқ чақалоққа туғилиш гувоҳномаси топширилибди. Бу рақамлар устига деярли ҳар кун янги рақамлар қўшилиб турибди. Таъкидлаш лозимки, ажралиш олдинги йиллардагига нисбатан икки-уч марта камайган.

Ҳозирги пайтда Хосиятхоннинг ишлари жуда тизим бўлганлиги учун суҳбатни кўп қўзиб, вақтини олиб ўтиришга андиша қилдим. Иш нега ҳам тизим бўлмасин, ахир. Янги туғилган чақалоқлар учун туғруқхонага справка, ундан кейин эса уларга гувоҳнома ёзиб бериш, келин-куёвлардан ариза қабул қилиш, уларга никоҳ гувоҳномаларини топшириш, уларнинг дўкандан харид қилиши лозим бўлган буюмларига, гилам ва хонатласига ҳужжат тайёрлаш, ажрим ҳужжатларини расмийлаштириш, фарзандликка олиш, исм-шарифларни ўзгартириш ҳақидаги ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш, сўров билан келган кишиларни қабул қилиш, қозилик ҳайъатида қатнашиш, ёшни белгилаш комиссиясида фаолият кўрсатиш дегандай озгина юмушлар борми унинг зимасида. Боз устига кўйди-чиқди, ғалвали оилавий масалалар бўйича айрим хонадонларга ташриф буюришга ҳам тўғри келиб қолади.

Тадбиркорлик билан иш юритувчи Хосиятхон бу ишларни ҳафтанинг олти кунига тақсимлаб чиқиб, барча юмушларни режали бажараётгани учун ҳам ҳаммасига ўз вақтида улгуради. Энг қувончлиси шундаки, барча тадбирлар ҳафтанинг аниқ белгиланган кунини маълум соатларда амалга оширилиши шаҳар аҳолисига ҳам жуда қўл келмоқда.

Ана, шаҳар бўйлаб сурнай навоси таралмоқда. Демак, Косоннинг қай бир маҳалласида шодиёна тўй. Кишиларнинг шўхчан кулгулари, қийқириқлари шаҳар файзига файз қўшмоқда. Бу бахтиёр лаҳзаларга ўз улушини қўшолганидан Хосиятхон Норкулова беҳад мамнун.

Нормамат ТОВА.

Одамнинг кўнгли кемтик бўлмасин экан. Унинг ҳамда қилаётган ишларинг кимгадир ёқмаса, кимгадир ортиқчалик қилса, юрак сиқилгандан сиқилиб бораверар экан.

Ушбу сўзларни ёзмасдан ҳам мақсадга ўтаверсам бўларди. Лекин алам қилиб кетаркан кишига. Алам қилгани учун ҳам дилдаги галларни ойдинроқ баён қилиш ниятида ҳавойироқ сўзлар билан қоғоз қораладим.

Мен авра-астарини кўрсатмоқчи бўлган тиббий хушёрхона Сирдарёда, вилоят марказида жойлашган. Хушёрхонада 12 нафар милиция ходими хизмат қилади.

Унга тегишли бўлган махсус тиббий машина ярқисиз ҳолга келиб қолгач, 1991 йилнинг май ойида ҳисобдан чиқарилиб, вилоят ИИБга топширилган эди. Ушандан бери хушёрхона ходимлари отсиз қолган чавандоздек юришибди. Барча машина олиш тўғрисидаги талаб ва илтимосномалар жавобсиз қолдирилипти.

ЎГАЙЛИК ТОКАЙГАЧА?

Шу йилнинг 22 май куни вилоят молия бўлими томонидан машина учун 18 миң 695 сўм пул ўтказилган ва яқин кунлар ичида хушёрхона машинали бўлиб қолиши керак эди. Аммо ундай бўлмади.

Вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш (ЖТС) бўлими бошлиғи милиция подполковниги А. Муштоқов хушёрхонага ажратилган машинани конвой хизмати бўлинмасига бериб юборди. Бўлинма машинани бошқа ранга бўяб, ҳозирги кунга қадар ишляпти.

Ўтган ўн ой мобайнида тиббий хушёрхонага 655 киши тушди. Ўтган йилгига нисбатан 150 кишига кам. Бу Гулистонда ичувчилар камайибди дегани эмас. Махсус тиббий машинамиз бўл-

маганлиги сабабли биз бутун кучимизни ишга сола олмадик.

Ўгайлик қилишдан муддао не эди? Агар ҳақиқатдан ҳам ичкиликбозликка қарши курашиш шарт бўлса, қани унга қарши курашаётганлар учун яратилган шарт-шароит?

Ўзимга эмас, хушёрхона учун машина оламан деб номим ёмонотлиққа чиқди. Машина текканида эди ёмонотлиқ бўлишга ҳам рози эдим. Минг афсуски, ундан ҳамон дарак йўқ. Етти ойдан бери кутамиз, курашамиз, фойдасиз. Ёлғиз умидимиз сиз — таҳририят ходимларидан.

Р. ДАУТОХУНОВ, Гулистон шаҳар ИИБ ходими милиция майори.

ТАҲРИРИЯТДАН: биз Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ушбу мактуб юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўради ва бу ҳақда бизга ва муаллифга маълум қилади деб умид билдирамиз.



Ичаман деганга топилаверар экан-а? Сирғали туман ИИБ тиббий хушёрхонаси шунча қарору фармонлардан кейин ҳам бўшаб қолмади. Аксинча ходимларнинг қўли қўлга тегмайди.

Милиция кичик сержанти А. Флоров етаклаб келаётган мана бу кимсага (юқорида) бир назар ташланг. Бугун хайр-хўшлашиб кетаётган бўлса, эртага ҳаммасидан тоғиб туриб олади. Индинга эса яна шу аҳвол.

Навбатчи инспектор милиция лейтенанти Асрор Кенжаев қабулга милиция катта сержанти Т. Холметов етаклаб келган мана бу кишининг фикр-ўйи нимада экан? Учинчи суратга эса таъриф йўқ. Ҳаммаси кундек равшан. Бугун ҳам халта бўш, рўзғор ҳақини ҳам нафсига уриб қўйибди.

Исмонл МИНАВВАРОВ олган суратлар.



ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР

МЕНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН САВОЛЛАР

Мен «Постда» рўзнома-сининг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Чунки ундаги мақолалар киши эътиборини тортмасдан қолмайди. Рўзнома билан танишиб чиққандан сўнг доимо чучур ўйга толаман. Наҳотки бу «қахрамонларимиз» қиғир ишнинг қийини қирғилдан кейин ҳам чиқишини билмасиз? Уларни шу йўлга киришга нима мажбур қиларкин?

Кўпинча «муқаддам судланган» — «яқиндагина қамоқ жазосини ўтаб чиққан» деган ибораларга назарин ташлади. Наҳотки бундай кишилар ҳаётда бир марта қоқилиб ҳам кўзи очилмасиз?

Мени кўпроқ ўйлантирадиган бир нарса бор. Қамоқ жазосини ўтаб қайтаётганлар орасида ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, ижобий томонга ўзгараётлар бормикин? Ҳаётда ўз ўрнини топа оладимикин? Мана «Қидирилмоқда» номли руқияларингиз бор. Ана шу йўқолиб қолганлар орасида ўз оиласига соғ-омон қайтаётганлар борми?

1991 йил ҳам сезин-аста тарих зарварақларига кўчмоқда. Мен келгуси йилда «Постда» рўзномаси саҳифаларида юқоридаги саволларимга жавоб топаман деган умиддаман. Муяссар БОЗОРОВА.

УЧИНЧИ АВЛОД НИМАНИНГ ҚАЙҒУСИДА?

Мана, ҳар тугул эркинлик кўёши тепамизда кўринди. Унинг нури дилларимизга тобора ёрқинроқ, тафти тобора иссиқроқ таъсир қилапти. Гўё йўқотган азиз нарсамизни топгандекмиз.

Бизнинг эндиги мақсадимиз нима? Мустақиллигимизни сақлаб қолиш, бутун дунё олдида ўзлигимизни танитиш. Бунинг учун биринчи навбатда келажак авлод тарбиясига катта эътибор беришимиз керак. Уларнинг қотиб қолган фикр доирасини қўзғатишимиз ва кенгайтиришимиз зарур.

Сўзимни мустақиллик мавзуси билан бошлаганимнинг бонси бор, албатта. Бир мисол келтирмоқчиман.

Шу йилнинг 12 ноябрь куни Шаҳрисабзга бир гуруҳ япон фуқаролари таш-

риф буюришди. Узингизга маълум, шаҳарда дунё халқларининг ақлини дол этган, жаҳонгир Амир Темур номи билан боғлиқ Оқсарой миносиси бор. Ва яна бу ерлардан Буюк ипак йўли ўтганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Хуллас, минорани томоша қилиб турганлардан бирининг — Масуй Ватарунинг «Никон» фотоаппаратини 16-17 ёшлар атрофидаги болалар ўғирлаб кетишибди. Бу ҳақда шаҳар ички ишлар бўлимига хабар келган заҳоти опергуруҳ тузилди. Сайёҳлар билан ўтказилган икки соатлик суҳбат давомида ўғриларнинг уст-бошлари ва бошқа белгилари аниқлангач, суриштирув-қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Айрим ноаниқликлар келиб чиққач, жабрланувчи би-

лан яна бир бор учрашишга тўғри келди. Сайёҳлар эса бу пайтда Самарқандда эдилар.

Терговчи милиция лейтенанти Эркин Холиқов ва жиноят қидирув бўлинмаси катта операкили Сайфиддин Ҳайдаровлар Самарқандга бериб қайтганларидан сўнг БЕИБ катта инспектори милиция майори Рустам Исмамов, инспектор Эсон Маҳкамов, участка вақили милиция лейтенанти Окбўта Хушвақтовлар билан биргалликда қидирувни давом эттирдилар. Ниҳоят, 18 ноябрь куни сассиз-садосиз, иссиз-чизиксиз содир қилинган ўғирлик «қахрамон»лари топилди. Улардан бири Шаҳрисабздаги 35-хунар-техника билим юрти ўқувчиси Ғайрат Самиев, иккинчиси эса Жомий номли ўрта мактабнинг 11-

синф ўқувчиси Улуғбек Муҳиддинов экан.

Иккаласи ҳам ёш. Улардан, уларнинг тенгдонларидан — Ўзбекистонимиз кўп нарсаларни кутади. Жумҳуриятимиз мустақиллигини сақлаб қолиш ва равнақ топтириш учун ёшларимиз курашишлари ва фақат курашишлари лозим. Унинг жаҳон миқёсидаги ўрнини кўрсатиш ва обрўсини ошириш шулар зиммасида. Аммо юртимиз билан яқиндан танишмоқчи бўлган сайёҳларнинг мулкига кўз олайтирган юқоридаги икки ёшнинг (афсуски, бундайлар иккита эмас) ҳатти-ҳаракатларини қандай баҳоламоқ керак?

Азиз ота-оналар, ўйлаб кўринг!

Комил ҚУРБОНОВ, Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи милиция майори.

Муҳаррир ўринбосари Ғ. БОЛТАБОВЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатки кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашрият-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегия МВД Республика Узбекистан 26078 нусхада чоп этилди.